

Сиёҳ қалам (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 3562

Жалол бир камбағал дурадгорнинг ўғли эди. Бир куни у ўзининг сеvimли сиёҳ қаламини йўқотиб қўйди ва кўчада бир бурчакда ўтириб олиб йиғлай бошлади.

Бир пайт Жалолнинг олдидан яхши кийинган бир одам ўтиб қолди. У киши Жалолнинг йиғлаётганини кўриб, нима сабабдан йиғлаётганлигини билиш учун тўхтади. Сабабини билгач у чўнтагидан ўз сиёҳ қаламини чиқариб:

-“Мана шу эмасми сен йўқотган сиёҳ қалам? ”-деб сўради.

Жалол йиғидан тўхташга ҳаракат қилди ва жавоб берди:

-“Йўқ, бу эмас. Менинг сиёҳ қаламим бу сиёҳ қалам каби чиройли эмас эди”,-деди.

Жалолнинг ростгўй ва инсофлиги у кишини хайрон қолдирди ва:

-“Сен тўғрисиўз, инсофли бола экансан, ростини айтганинг учун мен сенга шу сиёҳ қаламни беряпман, илтимос, уни ол”,-деб сиёҳ қаламни Жалолга берди.

Пайғамбаримиз (С.А.В) қуйидаги ҳадислари орқали Аллоҳ таоло ростгўй-инсофли одамни қандай мукофотлаши ҳақида шундай дейдилар:

Ростгўйлик яхшиликка етаклайди, яхшилик жаннатга етаклайди.
(Бухорий)